

Бўлмагай оламда мундин турфа сўз,
Ким саодат ахли итга солса кўз.

Еткурур итга натижа ул назар,
Зотига солур кишилиқдин асар.
Алишер Навоий

Ёзувчилик санъатини хаёт ва ўлим сирларини очадиган калитга киёслаш мумкин. Бадиий ижодда энг мухим иш воқеанавислик эмас, балки хақиқатни кашф айлашга имкон берадиган ана шундай бир “очыич”ни ўқувчига етказишдир. Бу эса дид ва савияси баланд китобхонни сал кам ижодкор даражасига кўтаради. Ва бадиий асар ўқишдан тугилган таассуротларидан у хам ўзининг бир китобини яратади.

Маълумки, айна бир давр ва замонда, айна бир жамият ва ижтимоий мухитда яшаган, бир турли воқеа-ходисаларни бошдан ўтказиб, турдош саволларга жавоб ахтарган ёки жавобдан чекинган одамлар ахвол-рухияси ўхшаш бўлади. Улардаги ахлокий-маънавий фазилатлар хам, нуқсон, айб ва гуноҳлар хам муштаракдир. Мана шу сабабдан хам ёзувчи кўп нарса ёзиши, ўқувчининг ўзи кўрган, билган воқеа-ходисаларини кайтадан унга ифодалаб бериши шартмас. Китобхоннинг ақл-фаросати, фикрлаш лаёқатига ишониш керак. Нимани ёқлаб, нимани инкор айлаш, нимадан завкланиб, нималарга бефарқ қолиши – бу, ўқувчининг шахсий, демакки, дахлсиз ҳуқуқи. Фақат фаҳми паст, калтабин адибгина ёзган ҳар бир асарим кўпчиликни кизиктира олади деб ўйлайди. Холбуки, бундай бўлмайди. Сўз ва тасвирнинг куч-қуввати, аввал-охир руҳга таъсири, руҳоний эҳтиёжга нечоғлик мувофиқлиги билан белгиланади. Инсон ўзининг Холиқи, яъни яратувчиси эмас. Шунинг учун ўзи хақида у кўп нарса билмайди. Билганлари эса уни хамма пайт хам хато ва адашишлардан кўтказолмайди... Аммо истак, интилиш ва кўмсаш маъносида инсон руҳи чегарасиз. У яшаётган олам чегараланган. Сўнгсизлик эҳтиросига тўлгин руҳ, воқеликнинг катъий ва каттик тўсикларидан изтироб чекади. Ва хамиша сўнгсизлик соғинчи билан яшайди. Буни теран тушунган ижодкор моддиёт ва илоҳиёт сирларини ёритишда хам, инсон табиати ва характери тасвирида хам деярли адашмайди.

Ҳар қандай одамда икки реаллик мавжуд. Бири – ташки, иккинчиси, ички, яъни зохир ва ботин. Асосий мураккаблик ва зиддият ботиндадир. Акс холда ақл, нафс, руҳ, кўнгил хусусида бунчалик кенг, бу қадар кўп баҳс юритилмасди. Чунки ботиний хаёт вужуднинг “калин парда”си билан тўсилган. Нафснинг аҳоли қандай? Руҳнинг холи қанақа, қалб нимага илҳак – аксарият киши ана шуни билмайди. Чунки буларни билиш жуда қийин. Айниқса, нафсни таниш ва тизгинлаш муаммоларнинг муаммоси эрур. Нафсни қоралаб, нафс измидан четлашмасликнинг бир сабаби хам шу. Ваҳолонки, қайси бир ишга нафсоний мақсад ва шахвоний орзу аралашса, ўша ишнинг хайр-хосияти барҳам топади. Шунингдек, қалб тўғри йўлдан адашиб, тубанликка йўналади, руҳни риё ва худпарастлик домига тортади. Алишер Навоий газалларидан бирида нафс ила руҳни зинҳор-базинҳор кўшиб-қориштирмаслик шартлигини таъкидлаб:

Рух рахмони эрур, нафс эса шайтони,
Иккисин бир-бирига кўшмоқ эмастур маршрут,
деганида шуларни назарда тутган.

Йигирманчи аср ўзбек адабиётида бу хакикатни мукамал англаган ва тўла-тўқис унга амал қилган қалам соҳиблари бўлганми? Бўлган тақдирда ҳам сони уларнинг жуда камчилдир. Адабиётимизда рух ва рухоний ҳаёт ифодаси кескин қамайиб кетиши шундан. Агар чини билан рух учун қайгуриб, рухнинг тозалиги, эркинлиги таъминланганда, адабиётда нафс ва тамаъ, ёлгон ва иккиюзламачилик, хушомад ва маддохлик авж олмасди. Ҳаётга нафс нигоҳи ила қараш, ихтиёрий равишда қўрқув ва уятсизликка қўнишдир. Нафсоний истаклар қанча қучайса, шижоат ва мардлик туйғуси ўшанча пасаяди. Ният нечоғлик юксак ва олийжаноб бўлмасин, сўз, маъно, туйғу нафсга боғландими – унинг таъсири ҳам, умри ҳам узокка чўзилмайди. Бирок бунда бошқа бир нарса муҳим. Ҳеч қайси банд нафсини танишга уринмасдан, ботиний имкони ва қуч-қуввати етгуни қадар нафс “сайр”ини амалга оширмасдан қалб ва рух саёҳатиға эришолмайди. Инсон нафсга диққатини қарата олдими – у азобланиш ва изтироб чекишга маҳкум. Ёлғиз ўзининг эмас, дунё ва аҳли дунё қалбининг нимаға, асосан нима боисдан бузилиши ё қирланишини у нисбатан яхши мушоҳада этади. Ҳаммага ўхшаб қолмаслик, ҳамма айтадиган фикр-мулоҳазаларни тўтидай такрорламаслик, яққаланиб қолишдан чўчимасликнинг илк чораси худди шудир. Қайси ижодкор буни анғласа, нафсига бир бадий асар янғлиг сайқал бериб, уни шахсият ҳукмиға тобе айлашға бел боғлайди. Шундан эътиборан наинки нафсу ҳаво, балки маҳдуд ақлнинг истак ва талабларидан ҳам узоклаша бошлайди. Бу йироқлашувда сир қўп, ҳикмат қўп. Бу эса нафсни танишға ҳам, қалб таври, рух холидаги ўзгариш ва янғиланишларни идрок қилишға ҳам яқиндан ёрдам беради. Дарвоқе, нафс нима ўзи? Нима учун унга бунчалик эътибор зарур?

Хужвирийнинг “Қашфуъл маҳжуб” китобида ёзилишича, нафс сўзи лугавий маънода бирор нарсанинг борлиги, хақиқати, зоти ва ўзлиги демак. Халқнинг тилида ушбу қалима бир-бирига зид бир қанча мазмунларда ишлатилган. Бир жамоатға қўра, рух, бир гуруҳ тушунчасида мурувват ва одамийлик, бир тоифа нуқтаи назарида жасад ва вужуд, бошқа бир фирқаға қўра, у қон маъносини ифодалаган. Сўфий ва мутасаввифлар эса ҳамжихатлик ила нафсни гуноҳнинг сарчашмаси, ёмонлик, разиллик ва ёвузликнинг асоси, деб ҳисоблашган. “Аҳли тасаввуф энг яхши нафсшунос бўлгани қаби, - дейди Шаҳобиддин Умар Сухравардий, – дунёнинг турли ҳолларини, ҳаво ва ҳавас найранғларини, нафснинг яширин орзуларидаги тубанлик, ёмонлик ва ўтқинчи лаззатларини бағоят чуқур билғувчилардир”. Шайху машойхларнинг назарида нафс тулки, илон, сичқон сувратида қўринган. Тасаввуф адабиётида буни тасдиқловчи жуда қўп кизикарли ривоят, ҳикоят, нақллар тўқилган. Итға бағишлангани улар орасида қўпчилиқни ташқил этади. Шуни ҳам таъқидлаш жоизки, ўша ҳикоят, ривоятларда ит тимсоли асосан ижобий ва ибратли маъноларда талқин этилади. Мана, бир мисол. Нақл қилинишича, машхур шайх Абу Бақр Шиблий (вафоти 946)дан “Тарикатдаги илк йўлбошчинғиз қим?” деб сўралганда, у “Бир итдир” деб сўзини шундай давом эттирган экан: “Бу ит сувсизликдан ўлим ёқасида тик турарди. У сув ичиш учун не қамон ариққа яқинлашса, сувда ўз ақсини қўрар ва ундан қўрқарди. Чунки ўзининг суратини у бошқа бир итники деб ўйларди. Аммо ташналиқ охири зўр қелиб, ит ўзини сувнинг ичига отди... Ана шундан сўнг “бошқа қучуқ” йўқлиғига инонди. Ит билан ўртадаги борлиқ орасига қирган итнинг “ўзға манлиғи” унинг йўлиға тўсик пайдо этган эди. Мен аҳволимнинг

айнан шу итга ўхшашини, яъни йўлимдаги энг катта тўсик нафсим эканини англадим... Хуллас, менинг биринчи йўлбошчим шу ит бўлди. Асосий йўлга қандай қадам ташлаш лозимлигини менга бир кучук кўрсатди”.

Нафсни тасаввуф адабиётида ит киёфасида тасаввур килинишида шу сингари фикр ва эътирофлар таъсир ўтказганлиги эҳтимолдан йироқмас. Бирок асосийси ит ҳам, тулки ё шери даррон ҳам эмас, барибир нафсдир. Кўзга кўринмай дунёни туб-тубидан горат киладиган мавжудлик, бу –нафс. У қанча кўп ҳукмронликка эришса, дунёнинг ахлокий-маънавий ҳолати ўшанча бузилади; ҳақиқат ва виждон, диёнат ва ростлик бошидаги қаро булутлар шу қадар қуюқлашади. Шунингдек, зохирий чора-тадбирлар, баҳсу мунозаралар нафсдан тугилажак кулфат, мусибат ва ҳалокатларнинг йўлига тўсик кўёлмайди. Нафс эркин ва эркли экан, ёлгон, риё, зулм, зўравонлик, мунофиқлик, хуллас, ҳамма ёмон ва тубан сифатлар гуллаб-яшнаверади. Булар эса инсон ботинидаги “ит” – нафснинг ўйинлари. Хохласа, одамни у парчалаб, сочиб юборади, истаса, ўзни йигиштириб олишга имкон беради. Лекин ҳар қанча уриниб-суринманг, ундан ажралолмайсиз. Сиз – унда, у – сизда яшайди. У – сизга, сиз – унга боғлиқсиз. Кимки уни қанча хору залил эта олса, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ўшанча яхши англаши муқаррардир. Талантли адиб Назар Эшонкулнинг “Баховуддиннинг ити” номли хикояси айнан ана шу моҳият тасвирига бағишланган. Ростини гап, мен хикояни зўр марок билан ўқидим. Биринчидан, унинг маъно илдизи чуқур. Хатто тасаввуфий тажрибаларга қараб узанади. Иккинчидан, мўлжалга олинган “нишон”нинг ўзиёқ одамнинг дилида бир ларза кўзгайди. Учинчидан, маънавийни моддийлаштирган ва моддийни маънавийлаштириш моҳирлик билан уддаланган.

Одатда, рамзий-мажозий ифодаларда сеҳрли бир хусусият бўлади. Шунинг учун улар ҳаёл ва виждонни ҳаракатга келтириб, юксак руҳ билан алоқага чорлайди. Бу хусусият “Баховуддиннинг ити” учун ҳам ҳосдурки, буни ёзувчининг асосий бир муваффақияти ўларок баҳолаш лозимдир. Мен бу ўринда хикоянинг маъно-мазмунини гапириб ўтирмайман. Чунки уни кўпчилик бир хилда тушуниб, бир йўсинда қабул қилолмаслигига ишонаман. Айни пайтда ўзликни англаш лаёқати бутунлай сўнмаган, жамият ва инсон муносабатларига мустақил нигоҳ ташлай оладиган ҳар бир киши унга бефарқ қололмаслигига ҳам шубҳам йўқ. Хикояда ифодаланган ҳаёт – бугунги ҳаёт. Қахрамонлар ҳам таниш – бизу сиз кўриб-билиб юрган одамлар. Ёлғиз бир нарса – қарийб тимсол мақомига кўтарилган ТОВУШ қадимий. Мунгли ва маҳзун бир оҳанг бағоят эски. Мен кўнглини ўртайдиган хотира чакириги деб қабул қилдим. Назаримда, хикоядаги “ит” тимсоли хусусида алоҳида сўзлашга ҳожат йўқ. Нафсини тозалаш, енгил азобини зиммасига ола билган ҳар бир киши ўз сийратида уни кўриб, нолаларини эшитади. Зеро, Навоийдек улуг зот ҳам бир ўринда – “нафсоният тугёнидин” “ўзумни итга ташбих қилибмен”, деганлар. “Баховуддиннинг ити” хикоясида тасаввуфдан илҳомланиш бор. Бирок ундан сўфиёна бир маъно ёки бўёқ қидирмаслик керак. Хикоянинг нафс, ахлоқ, қалб, руҳ тўғрисидаги қадим даврларда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни эшлашга рағбатлантириши – бу бошқа масала. Ва улардан айримлари соғлом рухий ҳаёт, мусаффо маънавий боғланиш асрлар мобайнида инсоният эришолмаган буюк орзу эканлигини билиш жихатидан алоҳида аҳамиятга моликдир. Машҳур шайх Абусаид Абулхайрнинг мана бу сўзларини эшитинг: “Оллоҳ инсонларнинг вужудларини яратишдан минг йил аввал руҳларни яратди ва уларни ҳузурига чорлаб, устларига нур сочди. Ҳар бир руҳ қабул айлаган нур миқдори ва мунавварлик даражасига қараб сўнг уларга лутф кўрсатди. Руҳлар, тамоман ойдинлашганига қадар

ўша нур ичида колди. У дунёда шод-хуррам, бир-бири ила маънан иттифокда бўлган инсонлар, бошка оламда ҳам бир-бирларига якин, хамжихат яшашлари керак... Зеро, рухлар худди отлар сингари бир-бирларини хидларидан танийдилар. Бири Магрибда, иккинчиси Машрикда бўлса ҳам сўзларидан суюниб, завкланадилар...”.

Менинг бу гапларга ишонгим келади. Чунки инсониятнинг буюк бирлиги ва саодати соғлом рухий муносабатда, рух якинлигидадир. Рухни кўя турайлик. Башар тарихининг бирор бир даврида, бирор минтакада нафс зарур тарзда Аклга бўйсундирилганми? Бунча бахтсизлик ва кулфат, бунча зулм ва зўравонлик, тасаввурга сигмас котиллик ва хаксизликлар каёндан тугилган?

Покистоннинг буюк мутафаккир шоири Муҳаммад Икбол ёзади:

Маро гўй, ки аз шайтон хазар кун,

Бигў бо ман, к ў парвардаи кист?

Яъни: мени шайтондан хазар кил дейсан, лекин менга айтгил: у кимнинг арзандаси? Бу савол ҳамон тўлик жавобини топган эмас. Кимдир тақдир тақозоси билан нафсини танишга муваффақ бўлди дейлик. Бугунги ижтимоий-ахлокий муҳитда унинг ахлоли қандай кечади? ВА уни ким тушунади? Назар Эшонкул хикоясида шу саволга ҳам жавоб бор. Менимча, бу хикоя ичидаги энг гаройиб бир хикоядир...

Умуман олганда, инсоннинг дунёга келиши хайрли ходиса. Тугилиш – бу, кўпайиш, ўсиш, ҳаракат ва ривожланиш демак. Лекин бунда иккинчи бир жиҳатни ҳам назардан четда колдириб бўлмайти, албатта. Яъни кўпайиш ва ривожланиш, айна пайтда, ҳар турли ижтимоий, иқтисодий, ахлокий ва сиёсий муаммоларга дуч келишдир. Бутун тарихи мобайнида куч ва имкони етгунича буларни инсоният ҳал қилишга уриниб келган. Бирда муваффақиятга эришса, бирда мағлубиятга учраган; гоҳо йўлни тўғри танлаган бўлса, баъзан йўлдан адашиб, ўзини-ўзи қийинчилик ва азоб-уқубатларга гирифтор айлаган. Аммо ҳар қандай вазият ва ҳолатда ҳам тўхтаб қолмаган. Беҳад ранж чекиб, ҳатто қон кечса ҳам тургунлик, ночорлик тўсиқларини енгиб ўтган. Бу амалий тажриба – башарият ҳаётидаги энг порлок ва умидбахш тажриба деса асло ҳато бўлмайти.

Одам қавми ақл ва тафаккур жаҳҳасида жуда кўп ютуқлар, хайратланарли қанчадан-қанча янгиликларни қўлга киритди. Булар билан у ҳар қанча мактанса ҳам арзийди. Илм-фан ва техник тараккиётда у нималарни ихтиро этиб, ўзига хизмат қилдирмади дейсиз? Шунча зафар, шунча юксалишнинг ҳаммаси ҳам дунё ахлининг осойишта, фаровон ва бахтли яшашига ёрдам бердими? Эришилган нимаю, йўқотилган нима ёки муваффақият нимаю маҳрумият қайси – булар тўғри сарҳисоб қилиндими? Йўқ, албатта. Шунинг учун гам, кулфат, мусибат ва ҳар турли зиддиятлар олдинги асрга нисбатан янги юз йилликда кўпроқ юз очди. Зулм, зўравонлик, таҳлика шиддати қучайса, қучайдики, сусайгани йўқ. Нима учун? Бу саволга бугун энди қаноатланарли жавоб қайтариш осон эмас. Колаверса, жаҳоннинг кўп минтақасида, “Мен кимман? Нимага бундай яшашим керак? Инсонийлик шарафи ўзи нима?” деб ўйлаш аллақачон “мода”дан чиқиб кетган. Мехр – қаҳрга, шафқат – ёвузликка, рух – нафсу ҳавога таслимлиги

шундан. Шунинг учун дунёда макр, риё, гунох ва худбинлик “бозор”и кизиб кетгандир. Агар масалага тарихан назар ташланса, охир-окибатда асосий бир офат – барча бало ва ёмонликларнинг дояси нафсга тўхталишга тўгри келади. Ахир, Шаркнинг буюк донишмандлари тасодифан “Нафси аммора сохиблари хайвонга ўхшашдирлар, балки ундан ҳам тубан эрурлар... нафси аммора жумла мунофик, фосик, кофир ва золимларнинг нафсларидир” демаганлар-ку! Каердаки, бир йирткичлик, бир бебошлик, бир бадбахтлик кад кўтарса, билингки, бу шу баттол нафснинг килмишидир. Ёмонлик, нодонлик ва гумрохликнинг тури бисёр. Булар хакида тўхтовсиз гапирамиз – лекин илдиз каерда, нега уларни чеклаб-чегаралаб йўқотиб ҳам бўлмайди – бу ҳақда кўпинча тўгри мушоҳада ҳам юрита олмаймиз. Вахдатул вужуд нуктаи назаридан каралса, ёмонлик, ёвузлик, тубанлик йўқ нарса – бир рўё, холос. Шу боисдан ҳам инсон Хакка интилиши, уни севиши, бутун борлиги ила унга суяниши шарт. У ёлғиз ўзига таянса, билиб, билмай, нафсоний, хайвоний ва шайтоний майлларига таянишга махкумдир. Тасаввур килинг, бир чакалок тугилди. Вояга етгач у бехосият, баджахл, вахший махлуқка айланади, деб ким хаёлга келтиради? Хеч ким. У кимдан тўраган? Кандай тарбия олган? Кандай хислат ва фазилатлар конига мерос кўчган? Булар хусусида кўп фикр юритиш ва ибратли бир хулосалар чиқариш мумкин. Назар Эшонкулнинг иккинчи хикояси – “Култой” шу жихатдан диккатга моликдир. Хикоя қахрамонининг номи Улжон. У мол изидан таёк судраб, умри киру адрларда ўтаётган барзанги бир йигит. Улжон шу қадар хайвонлашганки, одамга ҳам молдан паст назар билан қарайди. Хотин зотини ҳақоратлаш ва уришдан ич-ичдан марокланади. Бир гал калтакка чидолмаган хотини отасиникига кетиб қолади ва бирмас, иккимас, тўрт қайниси келиб уни “худди пахта савалашаётгандай бири кўйиб, бири савалайди”. Шу пайт маймоқ бир аёл келиб унинг бошига ўзини ташлайди-да, бор овози билан кишлокдошларини ёрдамга чакиради. Бу муштипар, ҳақорат ва хўрликдан жуссаси кичрайиб бораётган аёл Улжонга “хола” – Арзихол эди. Шунда галати бир холат рўй беради: Улжон нақ бурнига тегиб турган аёлнинг кўкрагидан “ўзига жуда таниш” бир хидни туяди. Лекин “бу хид димогида қачон ва қандай ўрнашиб” колганини фахмлолмайди. Калтакланётганини ҳам унутиб тамшаниб кетади... Хуллас, шу хид уни таъкиб эта бошлайди. Негадир бундан у газабланади. Бахона топиб Арзихолнинг елкасига гаврон туширади. Аёл эса гик этмасдан чидайди. Чунки ҳаммасига: калтак, таҳкир, ҳақоратга аллақачон кўниккан. Боис не? Асосий жумбок ва фожиа шунда. Арзихол Улжонга хола эмас, аслида она. Поччаси Ражаб чўпонга эса асранди ўгил. Бу ҳақда унга ҳеч ким, ҳеч нима демаган. Ражаб чўпон феъл-атворидаги кўрслик, одамовилик, жиззакилик асранди болага шундок кўчиб ўтган. Улжон мактабда ҳам ўқимаган – гирт авом.

Ким билади, Ражаб чўпон ўзи ўгил кўрганида, унинг хотини Рохат бир хафталик чакалокнинг онасини ўлдига чиқариб, уни уйига олиб келмас, касал бўлиб ётиб қолгач эса бадбахт Арзихолга ҳам мухтожлик сезмаслиги мумкин эди. Лекин ҳаёт инсоннинг хоши-иродаси билан ҳисоблашмаган ва ҳисоблашмайди ҳам. Шу учун Арзихол опасиникида яшар экан, кўз кўриб, кулок эшитмаган кийноқлар бошига тушади. Қайнилар билан бўлган жанжалда Улжонни у котилликдан саклаб қолади. Улжон эса уриб, унинг кўлини синдиради. Шунда ҳам ўзини у айбдор сезади. Ўзига ўзи ўлим тилайди. Терсоталиқлардан биронтаси Улжонни қойий бошласа ва у ҳақда ёмон фикр билдирса, Арзихол бирдан “Аслида айб менда...” дея уни химоя қилишга тушади.

Нима жавру жафо кўрмасин, у шу Улжонни дейди. Қашқирсифат шу йигит учун жонни фидо айлаб қун ўтказади. Унинг бу холатини тасаввур қилиш мумкин. Киз чогида қир

ортидаги кишлоклик бир чавандоз йигитни яхши кўрган. Бот-бот тўкайзорда учрашиб туришган. Йигитнинг ота-онаси чўлок бир кизни келин килишга кўнишмаган. Шуми ёки бошка сабабданми, “камчисига бандак тўкиб бергани” чавандоз йигит гойиб бўлиб, орадан ойлар ўтса-да, корасини кўрсатмаган. Киз эса юрак ютиб... Хеч бировга гапиролмаган.

Севги дейсизми, алданиш, адашиш ёки хирс курбони дейсизми, хуллас, нима бўлмасин Арзихол таъна-маломатларга чидаб ўгил тугади. Холаси чакалокни олиб кетгунга кадар ва кейин ҳам уни эмизади. Нихоятда ажабланарли хол: ёши улгайган сайин Арзихолдан Улжон жирканади. Кўрдими, газабланиб, нафрати ошиб-тошаверади. Унинг кўрс-кўпол муомаласини давом эттирган хотини ва болаларининг бир муштипар, гуссакаш аёлга муносабатлари хар кандай одамни ачинтиради.

“Товуши дўриллай бошлаган Улжоннинг болалари ҳам уни худди оталаридай жеркир, келин эса тиним бермай ишга кўмиб ташлар, у эса яроксиз бўлиб колгач, ташлаб юбориладиган буюмга ўхшаб уйдан хайдалишдан чўчигандек хеч бир ишдан бўйин товламас, ўзини кераксиз бўлиб колаяпман деб ўйлагани сайин Улжоннинг болаларидан тортиб, ўзи ҳам кампирга суяниб борар, унинг оғриб ё касал бўлиб ётиб қолишини тасаввур ҳам килишолмасди”.

Орадан унча кўп вақт ўтмай, шундай кун келади: Арзихол бирдан ётиб қолади. Шу ётишда хазонрезгини ўтказиб, кишининг нақчилласида жони узилади. Уни сўнги манзилга кузатишга ўнтача терсоталик ва бир неча кариндошлари йигилади. Аза ҳам азага ўхшамайди. “Маймок” энди йўқ – тупрокка этиб кўмилади. Улжон шунда ҳам ундан норозилигини яширмайди. Ўйлаб қоласан: шунака кимсалар хаётда борми, учрайдими ўзи? Тўгри, айнан Улжонга ўхшаганлар эхтимол учрамас. Лекин ёвузлик ва багритошликда ундан баттарлар бор. Табиати ундан-да мудхишроқ махлукларнинг сони дунёда оз эмас.

Улжонга кайтайлик. У чолларнинг кистови билан, таёкка суяниб “холам-ов” дейди. Овози “йўқловдан кўра зардага ўхшаб” эшитилади. “Чоллар ёши киркдан ошиб ҳам эл расм-русумини тушунмаган бу бесўнакай ва кўрс одамдан норози бўлиб бош чайкаб кўйишади. Шунда кимдир келиб унинг кўлтигидан олади. Караса, кенжа тоғаси. Уни жуда кексайиб, мункиллаб қолган отаси, яъни Улжоннинг бобоси ёнига бошлаб боради. Бобосини ҳам у хуш кўрмайди. Бобо эса айбдордай бошини эгиб турар, маймок ва мажрух бўлса ҳам фарзанди ўзидан олдин дунёдан ўтганидан эзилиб, кўзлари ёшланганди. У хирилдок овозда Улжонга дейди:

– Онам деб йўқланг, болам, Онам денг.

– Нега онам дейман? Онам ўлганига ўттиз йилдан ошди...

Бобо оғир ва чуқур хўрсинади. Кўзларини олиб қочиб, секин пичирлайди:

– Арзихол сизнинг туккан онангиз бўлади, болам. Салом чавандоз уни бадном қилиб кетгач, сизни Рохатга бердик. Аслида, сизни Арзихолнинг ўзи эмизиб катта қилди, болам. У сизнинг хақиқий онангиз...

Бу шафқатсиз гапдан албатта Улжон довдирайди. У “кимдир бу ёлгон дейишини кутар”, аммо бунака мардни топиб бўлмасди. Ёши киркдан ўтса ҳам нима учун туккан, оқ сутини эмизган аёлга у зарра кадар бўлсин дилдан яқинлик сезмади? Нега уни урган сари ургиси, хўрлаган сайин хўрлагиси келаверди? Бобо сир “парда”сини очди. Улжон ўзидан энди қаёнга қочади, қандай бош кўтариб яшайди? Қисматнинг бу даражада чигаллигига сабаб нима? Ёзувчи бу саволларга жавоб бермайди.

Ўқувчининг ўзи мушоҳада юритиб, ўзи топиши керак жавобни. Ёзувчини Улжон

такдирини хикоя килишга ундаган изтироб хам балки шудир.

Иброхим ХАККУЛ
25 февраль 2008 йил